

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ХОЖИЕВ АЛИАКБАР АБДУМАННОПОВИЧ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СУҒОРИЛАДИГАН  
ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ РЕЖИМИНИ БОШҚАРИШ УСУЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Хожиев Алиакбар Абдуманнопович**

Сирдарё вилояти шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив  
режимини бошқариш усулини такомиллаштириш..... 3

**Хожиев Алиакбар Абдуманнопович**

Совершенствование методов управления мелиоративным режимом  
орошаемых земель в условиях Сырдарьинской области..... 21

**Хожиев Алиакбар Абдуманнопович**

The improvement of management methods by ameliorative routine of  
irrigated lands in the conditions of syrdarya region..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ХОЖИЕВ АЛИАКБАР АБДУМАННОПОВИЧ**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СУҒОРИЛАДИГАН  
ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ РЕЖИМИНИ БОШҚАРИШ УСУЛИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мантуен  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида № В2020.2.PhD/T1697 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш  
веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)  
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Мурадов Рустам Анварович**  
техника фанлари доктори

Расмий оponentлар:

**Икрамов Рахимджан Каримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Авликулов Мирзоолим Авазович**  
қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори, катта  
илмий ходим

Етакчи ташкилот:

**Тошкент Давлат Аграр Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий  
кенгашнинг 2020 й. « 8 » январ соғт 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб  
ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Нидзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-61,  
237-22-69, факс: 237-54-79. e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (152  
рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Нидзий кўчаси,  
39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2020 йил « 22 » декабр куни тиркатилади.  
(2020 йил « 22 » декабр даги 152 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З. Султонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А. Янгиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., профессор

**М.Х. Ҳамидов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли сонининг шиддат билан ўсаётган ҳамда иқтисодиёт тармоқлари жадаллик билан билан ривожланаётган бир даврда табиий ресурслар, жумладан сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра ҳозирда 217,7 млн. га майдонда буғдой етиштирилиб, 6,4-7,8% майдонларда субиригация усули қўлланилиб келинмоқда<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сувтежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун, аксарият хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигида захира сувларидан жумладан, ер ости сувларидан кенг фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўпгина хорижий давлатларда, жумладан АҚШ, Исроил, Хитой, Голландия давлатларида сизот сувларини бошқариш ҳисобига улардан самарали фойдаланишнинг янги усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори даражада ҳосилдорликка эришиш учун сизот сувларидан фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштиришда янги илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу вазифани ечиш учун энг самарали суғориладиган ерларининг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштириш ҳамда сув танқислигини юмшатиш мақсадида сизот сувларини қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга йўналтириш усули ҳисобланади. Тадқиқотда Сирдарё вилоятининг кузги буғдой етиштириладиган ўтлоқи бўз тупроқли суғориладиган ерларининг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштириш ва сизот сувларини қишлоқ хўжалик экинларини суғоришга йўналтириш имконияти муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида сизот сувларини қишлоқ хўжалигига кенг жалб этиш ва шўр ювиш технологияларини такомиллаштириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...суғориладиган ерларнинг

---

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC/visualize>

мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив усулларни, энг аввало, замонавий сув ҳамда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш<sup>2</sup> вазифалари<sup>2</sup> белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, Сирдарё вилояти шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқаришнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш учун илмий изланишлар олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонларида, шунингдек соҳа фаолиятига доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёпиқ зовурларни бошқариш орқали суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш ва кузги буғдой етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор олимлар А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, Б.А.Шумаков, Р.К.Икрамов, М.Х.Ҳамидов, Ф.А.Бараев, Б.С.Серикбаев, Е.Курбанбаев, Х.Э.Якубов, С.Исаев, Р.Мурадов, Б.Сувонов, Ph.Crossley, G.Feng томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. М.Х.Ҳамидов, Г.А.Безбородов, С.Х.Исаев Б.Сувоновлар илмий тадқиқотларида очик зовурларни бошқариш орқали кузги буғдойни субирригация суғориш усулида суғориш режимларини аниқлаган бўлса, А.Р.Рамазанов, Ф.А.Бараев, У.Норкулов, Р.Қ.Қўзиёв Р.А.Муродовлар тадқиқотларида Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тупроқ илдиз фаолияти қатламида тупроқнинг шўрланиши, сизот сувларнинг сатҳи ва минерализациясининг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда шўр ювиш меъёрларини аниқлаган ва ижобий натижаларга эришган.

Экинларини суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Е.Аmpofo, Г.А.Безбородов, В.А.Духовный, Ш.Х.Рахимов, А.Э.Авлиёқулов, А.А.Рамазонов, А.Т.Салоҳиддинов, М.А.Якубов, А.Ғ.Шеров, Б.Ш.Матякубов томонидан кенг кўламдаги изланишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришган.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятининг суғориладаган майдонларида сизот сувлари сатҳи 1-3 м, минерализацияси 3-4 г/л бўлган шароитларда сизот

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони.

сувлари захирасидан самарали фойдаланиш ҳамда кузги буғдой етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу сабабли ўтлоқи бўз тупроқли шароитларда кузги буғдойни субирригация усулида суғоришнинг мелиоратив режимга таъсирини ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1. “Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларни оқилона бошқариш, улардан сув тежамкор технологиялар асосида фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ошиб бораётган сув танқислиги шароитида Сирдарё вилоятининг кузги буғдой етиштириладиган ўтлоқи бўз тупроқли суғориладиган ерларининг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

субирригация суғориш усулининг тупроқнинг туз режимига, сизот сувларининг сатҳи ва минерализациясига таъсирини асослаш;

сув танқислиги шароитида кузги буғдой етиштириш технологияси ва шўр ювиш учун сув ресурсларни тақсимлашни мақбуллаштириш;

кузги буғдой ҳосилдорлигига сизот сувларининг чуқурлиги, тупроқнинг шўрланиш даражаси, суғоришлар сони ва мавсумий суғориш меъёрлари таъсирини ўрганиш;

субирригация усули қўлланилган шароитда “тупроқ - ўсимлик - сув” тизимида намлик ва туз алмашуви жараёнини моделлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Сирдарё вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари, “Крошка” навли кузги буғдой, сизот сувлари ва субирригация суғориш усули олинган.

**Тадқиқот предметини** кузги буғдойни субирригация усулида суғоришнинг, суғориладиган майдонларнинг сув ва туз балансини шаклланишига, мелиоратив режимга ва кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига таъсири ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида суғориладиган майдонларда сув-туз балансини ўрганишда дала тажрибаларининг услубияти бўйича ҳамда математик моделлаштириш, эмпирик умумлаштириш ва математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кузги буғдойни субирригация усулида суғорилганда тупроқнинг туз режимининг, сизот сувлари сатҳи ва минерализациясининг динамикасига таъсири асосланган;

кузги буғдойни субирригация усулида суғориш ва шўр ювишда сув

ресурсларни тақсимлаш усули Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитини инобатга олиб такомиллаштирилган;

тўлиқ факторли эксперимент натижасида кузги буғдой ҳосилдорлигининг сизот сувларининг чуқурлигига, тупроқнинг шўрланиш даражасига, суғоришлар сони ва мавсумий суғориш меъёрларига боғлиқлиги асосланган;

сизот сувларини суғоришга жалб этилганлигини инобатга олиб “тупроқ - ўсимлик - сув” тизимида намлик ва туз алмашуви жараёнининг моделлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

илдиз, ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида сув ва туз динамикасини башорат қилишга имкон берувчи намлик ва туз алмашинув тенгламаларининг коэффицентларини аниқлаш учун тескари физик масалаларини ечиш учун компьютер дастури ишлаб чиқилиб №DGU06908-рақамли ЭҲМ гувоҳномаси олинган;

Сирдарё вилояти ўтлоқи бўз тупроқларида, чекланган сув ресурслари шароитида шўр ювиш хажмларини қишлоқ хўжалиги экинлари (маккажўхори, ғўза) бўйича мақбуллаштириш усули ҳамда сув тежовчи кузги буғдой етиштириш технологияси такомиллаштирилиб, “мақбул суғориш” (сизот сувлар сатҳи 1,0 метр) усулида мавсумий ўртача суғориш меъёри 1094 м<sup>3</sup>/га ва “мелиоратив мақбул” (сизот сувлар сатҳи 2,0 метр) суғориш меъёри 2302 м<sup>3</sup>/га асосланган.

Ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой ҳосилдорлигини сизот сувларининг чуқурлиги, тупроқнинг шўрларланиш даражаси, суғоришлар сони ва мавсумий суғориш меъёрлари бўйича компьютер дастури ишлаб чиқилиб №DGU 06077-рақамли ЭҲМ гувоҳномаси олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибалари бажаришнинг умумий таҳлил қилинган тадқиқот усуллари, олинган назарий натижаларнинг дала тадқиқот натижаларида тасдиқланганлиги, ҳисоблашларда статистик ва математик моделлаштириш усулларида асосланганлиги, математик маълумотларга ишлов беришда MathCAD дастурини қўлланганлиги, тажриба натижаларини бошқа олимлар томонидан олинган натижалар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув танқислиги шароитида Сирдарё вилояти ўтлоқи бўз тупроқларида кузги буғдой етиштиришда мақбул мелиоратив режим кўрсаткичларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган майдонларнинг мелиоратив тартиботини мақбуллаштириш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқарилганлиги ҳамда субирригация усули Сирдарё вилояти «BEKCLUSTER» масъулияти чекланган жамияти майдонларига жорий қилинганлиги, кузги буғдой ўсиш-ривожланиши яхшиланиб, ҳосилдорлиги ошиши билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сирдарё вилояти шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

ётиқ зовурлардаги сизот сувлари сатҳини бошқариш орқали кузги буғдойни субирригация усулида суғориш Сув хўжалиги тасарруфидаги Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «BEKCLUSTER» масъулияти чекланган жамияти майдонларига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 апрелдаги 04/20-1078-сонли маълумотномаси). Натижада сизот сувларининг сатҳи 2 м бўлган шароитда 5,4 ц/га гача, 1 м бўлган шароитда эса 8,5 ц/га гача кузги буғдойдан қўшимча ҳосил олинишига эришилган.

Сирдарё вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойни субирригация усулида суғориш ва шўр ювишда сув ресурсларни тақсимлашнинг такомиллаштирилган усули Сув хўжалиги тасарруфидаги Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги «BEKCLUSTER» масъулияти чекланган жамияти майдонларига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 апрелдаги 04/20-1078-сонли маълумотномаси). Натижада мавсумий суғориш меъёри 1043 м<sup>3</sup>/га дан 864 м<sup>3</sup>/га гача камайган.

турли механик таркибга эга бўлган тупроқларда субирригация усули қўлланилган шароитда “тупроқ – ўсимлик - туз” алмашинуви жараёнининг моделлари ишлаб чиқилиб сонли қийматлари баҳоланган ва Сув хўжалиги тасарруфидаги Ховос тумани сув хўжалиги бўлимига жорий этилган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 2 апрелдаги 04/20-1078-сонли маълумотномаси). Натижада “мақбул мелиоратив” ва “мақбул суғориш” режимлари параметрлари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-техник, шу жумладан 4 та халқаро ва 1 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори илмий даражасини (PhD) олиш учун тайёрланган диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот ишларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш усули бўйича адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш, жумладан субиригация усули орқали экинларни суғориш ва шўр ювиш ишларини ўтказиш бўйича чет эл ва маҳаллий олимларининг олиб борган тадқиқотлари баён этилган. Сизот сувларнинг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар А.Н.Костяков, С.Ф.Аверьянов, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, Ф.А.Бараев, Б.С.Серикбаев, Е.Апроф, Е.Курбанбаев, Г.А.Безбородов, А.А.Рамазонов, М.А.Якубов, А.Г.Шеров, У.Норкулов, Р.А.Мурадов, Б.Ш.Матякубов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун сизот сувларидан фойдаланиш бўйича АҚШ, Хитой, Исроил, Ҳиндистон, Покистон, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда кенг ривожланган бўлиб, шу орқали суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис кузги буғдойни суғоришда сизот сувларини жалб этиш, тупроқ қатламида намлик ва туз миқдорини ўзгариш динамикаси ўрганиш ҳамда сув танқислиги шароитида шўр ювиш меъёрларни мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **«Сирдарё вилоятининг табиий-иқлим шароитлари»** деб номланган иккинчи бобида Сирдарё вилоятининг иқлим, тупроқ-мелиоратив, шунингдек гидрогеологик шароитлари баён этилган.


Диссертациянинг **«Суғориладиган ерларнинг мелоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштириш бўйича тажрибалар объекти ва услубиёти»** деб номланган учинчи бобида тажриба далаларининг репрезентативлиги, дала тажрибаларини ўтказиш схемаси ва услубиёти шунингдек, кузги буғдойни етиштиришнинг мавжуд агротехникаси келтирилган.

Диссертациянинг **«Ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштириш бўйича дала тажрибалари»** деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот объекти тупроқларининг сув-физик хоссалари, ёпиқ зовур ёрдамида мелиоратив режимни бошқариш технологияси, субиригация суғориш усулини сизот сувлари сатҳи ва минерализациясига таъсири сув-туз баланси, суғориш ишларини режалаштириш шунингдек, кузги буғдой етиштиришда тўлиқ факторли эксперимент натижалари, сув танқислиги шароитида шўр ювиш меъёрларини оптималлаштириш ҳамда кузги буғдойни етиштиришда мелиоратив режимни бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги баён этилган.

Ховос тумани ярим чўл минтақасида жойлашганлиги сабабли атмосфера ёғинлари миқдори туман ҳудуди бўйлаб нотекис тақсимланади, уларнинг

йиллик миқдори ўртача 300– 350 мм ташкил этади, ҳудудлардаги ёғинлар қиш – баҳор даврида ерда тупроқ нам захирасини ҳосил қилади, бу эса қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

**Сизот сувлари сатҳи ва минерализациясини ўзгариши.** Дала тажрибалари натижасида сизот сувлари сатҳининг 1,0 2,0 3,0 метр чуқурликда намлик даражасини ўзгаришини ва таъсирини инобатга олган ҳолда кузги бугдойни етиштириш учун суғориш режими ишлаб чиқилди.






**1-расм. Субирригация суғориш усулининг сизот сувлари сатҳига таъсири**

А.Ходжаев фермер хўжалигининг кузги бугдой экилган далаларда октябрь-январь ойларида сизот сувлари сатҳи (ССС) 274-289 см ни ташкил этган бўлсада, февраль –июнь ойларида субирригация суғориш усули қўлланилганда сизот сувларининг сатҳи 1,0, 2,0 ва 3,0 вариантларда дала бўйича СССР ўзгариши ±10 см ни ташкил этди.

2015-2016 йй. СССР 1,0 м бўлган вариантида сизот сувларнинг минерализацияси октябрь-январь ойларида 2,82-2,93 г/л ни ташкил этган бўлса, февраль-июнь ойларида 3,12-4,64 г/л ни ташкил этди. Айни вақтда, СССР 2,0 м вариантида октябрь-январь ойларида минерализацияси 2,90-3,08 г/л, февраль-июнь ойларида 3,08-4,50 г/л бўлди. Назорат вариантида эса, октябрь-январь ойларида 3,00-2,79 г/л, февраль-июнь ойларида 3,04-4,043 г/л ни ташкил. этди (1-расм).

2016-2017 йй. СССР 1,0 м бошқарилган тажриба вариантида сизот сувларнинг минерализацияси октябрь-январь ойларида 2,52-2,92 г/л ни,

февраль-июнь ойларида 3,18-4,54 г/л ни ташкил этди. Шунингдек, 2,0 м тажриба вариантыда октябрь-январь ойларида 2,93-3,32 г/л, февраль-июнь ойларида 3,136-4,21 г/л ни ташкил этди. Назорат вариантыда эса, октябрь-январь ойларида 3,04-3,28 г/л бўлди, февраль-июнь ойларида 3,36-4,16 г/л ни ташкил этди.




**2-расм. Субирригация суғориш усулини сизот сувлари минерализациясига таъсири**

2017-2018 йилларда ўтказилган тажрибаларда, сизот сувларнинг сатҳи 1,0 м бошқарилган тажриба вариантыда сизот сувларнинг минерализацияси октябрь-январь ойларида 2,46-3,09 г/л ни ташкил этиб, февраль-июнь ойларида 3,53-4,56 г/л га тенг бўлди. Шунингдек, сизот сувларнинг сатҳи 2,0 м бошқарилган тажриба вариантыда октябрь-январь ойларида 2,61-2,79 г/л ни ташкил этди, февраль-июнь ойларида 3,16-5,06 г/л ни тенг бўлди.

Назорат вариантыда эса, октябрь-январь ойларида 2,89-3,40 г/л ни, феврал-июн ойларида 3,57-4,26 г/л ни ташкил этди (2-расм).

А.Ходжаев фермер хўжалигидаги тажрибаларда сизот сувларнинг ер юзасига чуқур жойлашган даври бу октябрь-январь ойларига тўғри келди, шунингдек вегетация даврида яъни, февраль-июнь ойларида эса субирригация суғориш усули қўлланилган шароитда сизот сувларнинг сатҳи ер юзасига яқин жойлашганлигини кузатилди. Шунингдек, сизот сувларининг минерализацияси, сизот сувларнинг сатҳи 1,0 м бошқарилган тажриба вариантыда, сизот сувларнинг сатҳи 2,0 м бошқарилган тажриба вариантыга нисбатан юқорида эканлиги кузатилди. Шу билан биргаликда, октябрь-январь ойларида атмосфера ёғинлари ҳисобига сизот сувларининг минерализациясида пасайиш кузатилди, аксинча февраль ойдан



- - буғланиш ва транспирация, м³/га
- - атмосфера ёғинлари, м³/га
- - тузларнинг кирими (хисоб бўйича), т/га
- - суғориш сувининг миқдори, м³/га
- - сизот сувларининг кирими, м³/га


**3-расм. А.Ходжаев фермер хўжалиги кузги бугдой экилган ерларнинг сув-туз баланси**

мобайнида ўтказилган тадқиқот-ларда сизот сувларининг сатҳи 1,0 м бўлган шароитда, атмосфера ёғинлари 2860-3540 м³/га ни ташкил этганда, мавсумий суғориш сувининг миқдори 950-1150 м³/га берилганда, сизот сувлари киримининг миқдори 1562-1718 м³/га бўлганда, тупроқдаги буғланиш ва транспирация миқдори 5015-5287 м³/га ни ва 1 гектар майдонга тузларнинг кирими 6,7-7,6 т/га ни ташкил этди.

Шунингдек сизот сувларининг сатҳи 2,0 метрни ташкил этган шароитда, мавсумий суғориш сувининг миқдори 2213-2248 м³/га берилганда, сизот сувлари кирими бўлмаганда, атмосфера ёғинлари ва тупроқдаги буғланиш ва транспирация ўзгармаган ҳолатида экин майдонига тузларнинг кирими Сизот сувларининг сатҳи 3,0 метрни ташкил этган шароитда, суғориш сувининг миқдори 2604-2624 м³/га берилганда, сизот сувлари кирими

бошлаб суғориш ишлари олиб борилиши натижасида дарё суви билан биргаликда тузларнинг кирими хисобига сизот сувларининг минерализацияси ортиши кузатилди.


**Сув-туз баланси.** Сизот сувлари сатҳи 1,0 м бўлган шароитда суғоришлар сони 3 тани ташкил этган ҳолда мавсумий суғориш меъёри 950-1180 м³/га, 2,0 м бўлган шароитда суғоришлар сони 4 тани ташкил этган ҳолда мавсумий суғориш меъёри 2200-2450 м³/га ва 3,0 м бўлган шароитда суғоришлар сони 4 та ни ташкил этган ҳолда масумий суғориш меъёри 2580-2620 м³/га тенг бўлди (3-расм). 3-расмдан кўринадики, 2016-2018 йиллар



**4-расм. А.Ходжаев фермер хўжалиги кузги бугдой экилган ерларнинг сув-туз баланси**

бўлмаганда, атмосфера ёғинлари ва тупроқдаги буғланиш ва транспирация ўзгармаган шароитда ҳам экин майдонига тузларнинг кириши кузатилмади.

Юқоридаги 4-расмдан шуни кўриш мумкинки, ўтказилган тадқиқотларда А.Ходжаев фермер хўжалиги кузги буғдой билан қопланган ерларнинг туз баланси ФАО услубиёти бўйича ўрганилганда суғоришнинг бошланишда тупроқнинг шўрланиши назорат вариантыда (сизот сувларининг сатҳи 3,0 м) 2016 йил 3,03 dS/m, 2017 йил 3,16 dS/m, 2018 йил 3,55 dS/m ни ташкил этди. Суғоришнинг охирида тупроқнинг шўрланиши назорат вариантыда (сизот сувлари сатҳи 3,0 м) 2016 йил 3,30 dS/m, 2017 йил 3,24 dS/m, 2018 йил 3,62 dS/m ни ташкил этди. Шунингдек, тажрибада суғоришнинг бошла-нишда тупроқнинг шўрланиши (сизот сувлари сатҳи 2,0 м) 2016 йил 3,13 dS/m, 2017 йил 3,16 dS/m, 2018 йил 3,2 dS/m ни ташкил этган бўлса, суғоришнинг охирида эса тупроқнинг шўрланиши 2016 йил 3,26 dS/m, 2017 йил 3,27 dS/m, 2018 йил 3,63 dS/m ни ташкил этди.



**5-расм. Кузги буғдой ҳосилдорлигининг сизот сувлари сатҳи бўйича ўзгариши**


майдонлардан иборат бўлган “Барака” фермер хўжалигининг сизот сувлар-нинг сатҳи 2,0 м бўлганда ғалланинг ҳосилдорлиги 54,8 ц/га ни ва сизот сувларининг сатҳи 0,8-0,9 м бўлган майдонларда ҳосилдорлик 51,7 ц/га ни ташкил этди.

Шўрланиш даражаси кам бўлган А.Ходжаев фермер хўжалиги майдонларида сизот сувларининг сатҳи 2,5 м ва ундан паст бўлганда ҳосилдорлик ўртача 56,4 ц/га ни, сизот сувларининг сатҳи 0,7-0,9 м бўлганда ўртача ҳосилдорлик 51,7 ц/га ни ташкил этди (6-расм).

**Тўлик факторли эксперимент натижалари.**

Х.Норчаев СИУдаги А.Ходжаев, “Чинор”, “Барака” фермер хўжаликларида тўрт факторли эксперимент ўтказилди. Жумладан, “Чинор” фермер хўжалигининг кучли шўрланган майдонларида сизот сувларининг сатҳи 1,5 м бўлган майдонларида 26,8 ц/га ни, ўртача шўрланган майдонларда 51,2 ц/га ва кам шўрланган майдонларда 58,5 ц/га ни ташкил этди (5-расм).

Шунингдек ўртача шўрланган




**6-расм. Кузги буғдой ҳосилдорлигининг ерларнинг шўрланиш даражаси бўйича ўзгариши**

Кузги буғдой ҳосилдорлиги тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича ўзгариши ўрганилганда “Чинор” фермер хўжалигининг кучли шўрланган майдонларида сизот сувларининг сатҳи 2,3 м бўлган ғалла ҳосилдорлиги ФАО бўйича 2-12 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 80-100 % ни ташкил этди.


Тупроқнинг шўрланиши ўртача бўлган “Барака” фермер хўжалигининг сизот сувларнинг сатҳи 2,0 м бўлганда кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги 4-16 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 57-100% ни ташкил этган. Шунингдек шўрланиш даражаси кам бўлган А.Ходжаев фермер хўжалиги майдонларида сизот сувларининг сатҳи 1,8 м бўлганда ҳосилдорлик ўртача 2-12 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 80-100 % ни ташкил этди. 8-расмда “Чинор” фермер хўжалигининг кучли шўрланган майдонларида экинни суғориш 2-3 марта амалга оширилганда ўртача ҳосилдорлик 23,0 ц/га бўлди, ФАО бўйича 16 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 57 % ни ташкил этганини кўришимиз мумкин [93; 50-6].

Тупроқнинг шўрланиши ўртача бўлган “Барака” фермер хўжалигининг ўрта шўрланган майдонларида экинни суғориш 3-4 марта амалга оширилганда ўртача ҳосилдорлик 38,8 ц/га бўлди, ФАО бўйича 8 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 98 % ни ташкил этди. Шунингдек шўрланиш даражаси

кам бўлган А.Ходжаев фермер хўжалигининг кам шўрланган майдонларида экинни 5 мартагача амалга оширилганда ўртача ҳосилдорлик 62,0 ц/га бўлди, ФАО бўйича 4 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 100 % ни ташкил этди. “Чинор” фермер хўжалигининг кучли шўрланган майдонларида экинни суғориш меъёри 2100 м<sup>3</sup>/га бўлганда ўртача ҳосилдорлик 28,8 ц/га ни, “Барака” фермер хўжалигида 34,5 ц/га ни, А.Ходжаев фермер хўжалигида 39,7 ц/га ни ташкил этди. Суғориш меъёри 2800 м<sup>3</sup>/га бўлганда “Чинор” фермер хўжалигида ўртача ҳосилдорлик 36,3 ц/га ни, тупроқлари ўртача шўрланган “Барака” фермер хўжалигида 40,6 ц/га ни, ҳамда А.Ходжаев



**7-расм. Кузги буғдой ҳосилдорлигининг суғоришлар сони бўйича ўзгариши**



**8-расм. Кузги буғдой ҳосилдорлигининг суғориш меъёри бўйича ўзгариши**

фермер хўжалигида 44,9 ц/га ни ташкил этди (8-расм).

Юқоридаги хулосаларга асосланган ҳолда куйидаги ифода келтирилди:

$$\bar{Y} = f\left(\frac{h_{cc}}{H_{dp}}, C, n, M\right) \quad (1)$$

бу ерда:  $\frac{h_{cc}}{H_{dp}}$  - сизот сувларининг чуқурлиги ёпиқ горизонтал дренаж

чуқурлигига нисбати;  $C$  – тупрокнинг шўрларланиш даражаси,  $Ds/m$ ;  
 $n$ – суғориш миқдори;  $M$ –мавсумий суғориш меъёри,  $m^3/га$ .

Шунга асосан кузги буғдой ҳосилдорлигини башорат қилиш формуласи куйидаги кўринишга эга бўлди:


$$y = 0.0061 \cdot h^\alpha \cdot S^\beta \cdot n^\gamma \cdot M^\delta$$

$$\alpha = 20.95 + 2.628 \ln n \ln M - 16.93 \ln S - 1.713 \ln S \ln n \ln M$$

$$\beta = 4.295 + 0.4155 \ln n \ln M - 2.882 \ln n - 0.63 \ln M$$

$$\gamma = 13.835 \ln S \ln h - 21.17 \ln h - 0.4 - 0.0041 \ln M$$

$$\delta = 1.172 + 2,117 \ln S \ln h - 2.658 \ln h \quad (2)$$




**9-расм. Шўрланиш даражасининг ҳосилдорликка таъсири**

ювиш учун сарфланадиган сув миқдори ўзгармасдан ушбу далаларга яъни, пахта экиладиган майдон учун  $2500 m^3/га$  маккажўхори экиладиган майдон учун  $5500 m^3/га$  миқдорда сув сарфланса, у ҳолда ўртача ҳосилдорлик нисбатан юқори бўлиши аниқланди (9-расм). Ётиқ зовурлардаги сув сатҳини бошқариш орқали назорат вариантыга нисбатан тупрокнинг шўрланиш даражаси  $1,9-2,7 dS/m$  ҳамда мавсумий суғориш меъёрлари  $872-1345 m^3/га$  камайди. Натижада сизот сувларнинг сатҳи  $2,0 m$  бўлган шароитда ҳосилдорлик  $5,4 ц/га$ , сизот сувларнинг сатҳи  $1,0 m$  бўлган шароитда эса ҳосилдорлиги  $8,5 ц/га$  ошди. Шунингдек ҳосилдорликнинг ошиши натижасида сизот сувларнинг сатҳи  $1,0 m$  бўлган шароитда эса ҳар гектардан қўшимча  $6059,5$  минг сўм, сизот сувларнинг сатҳи  $2,0 m$  бўлган шароитда ҳар гектардан қўшимча  $2670,8$  минг сўм, даромад ошганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг «Мелиоратив режимни моделлаштириш бўйича назарий тадқиқот натижалари» деб номланган бешинчи бобида новеgetация даври яъни, ўсимлик ривожланишининг бошланғич даврида намлик ва туз





**10-расм. Уч қатламли тизимда намлик ва туз алмашинув схемаси**

Илдиз қатламидаги тузларнинг чуқурлик бўйича ўзгариши:

$$N_1 = \left( N_{OP} - R_1 R_2 \widehat{G}_1 - \frac{\beta_1 N_s}{\beta_1 - \mu(\delta + u_*)} \right) ch \sqrt{\frac{\beta_1 - \mu(\delta + u_*)}{D_{N_1}}} z + R_1 R_2 \widehat{G}_1 e^{R_2 z} + \frac{\beta_1 N_s}{\beta_1 - \mu(\delta + u_*)} \quad (4)$$

Ҳайдалма қатламдаги намликнинг чуқурлик бўйича динамикаси кўйидагича аниқланади:

$$W_1^*(z) = W_{OP} + \frac{A_1^*}{A_2^* D_1^*} \left( e^{A_2^* z} - e^{A_2^*(\delta + u_*)} \right) + \left[ \frac{D_1}{D_1^*} E_T + \frac{D_1 D_2 G_2}{G_1} \right] z + \left[ \frac{D_2 G_2}{G_1} (D_1^* - D_1) - E_T \left( \frac{9}{14 D_1} + \frac{D_1}{D_1^*} \right) \right] (\delta + u_*) + \frac{A_1}{A_2 D_1} \left( e^{A_2(\delta + u_*)} - 1 \right) \quad (5)$$

Ҳайдов қатламидаги тузларнинг чуқурлик бўйича динамикаси эса:

$$N_1^* = \frac{\theta_0 + R_1 \theta_1}{ch \sqrt{\frac{\beta_1^*}{D_{N_1^*}} (\delta + u_*)}} ch \sqrt{\frac{\beta_1^*}{D_{N_1^*}}} z + R_1^* R_2^* \widehat{G}_1^* e^{R_2^* z} + N_s \quad (6)$$

Ҳайдов ости қатлами намлигининг эпюраси кўйидаги кўринишда бўлади:

$$W_2(z) = W_{уд} - \frac{B_1}{B_2 D_2} \left[ e^{B_2 L} - e^{B_2 z} \right] - \left( \frac{D_1}{D_2} E_T + \frac{D_1 D_1^* G_2}{G_1} \right) (L - z) \quad (7)$$

Ҳайдов ости қатламдаги тузлар эпюраси кўйидагича бўлади:

$$N_2 = \left( \frac{1}{ch \sqrt{\frac{\beta_2}{D_{N_2}} z_1}} \left[ (\theta_0 + R_1 \theta_1) \frac{ch \sqrt{\frac{\beta_1^*}{D_{N_1^*}} z_1}}{ch \sqrt{\frac{\beta_1^*}{D_{N_1^*}} (\delta + u_*)}} + R_1^* R_2^* \widehat{G}_1^* e^{R_2^* z_1} - P_1 P_2 \widehat{G}_2 e^{P_2 z_1} \right] \right) ch \sqrt{\frac{\beta_2}{D_{N_2}}} z + P_1 P_2 \widehat{G}_2 e^{P_2 z} + N_s \quad (8)$$

Бу формулаларда  $G_1$  ва  $G_2$  қийматлари кўйидагиларга тенг:

$$G_1 = D_1 D_2 \left[ z_1 - (\delta + u_*) \right] + D_1^* D_2 (\delta + u_*) + D_1 D_1^* (L - z_1)$$

алмашинуви ҳамда вегетация даврида илдиз тизимнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда намлик ва туз алмашинуви бўйича назарий тадқиқотлар баён этилган бўлиб, кўйидаги натижалар олинди (10-расм):

Илдиз қатлаидан намлик тарқалиши кўйидаги кўринишда бўлади:

$$W_1(z) = W_{OP} + \frac{A_1}{A_2 D_1} \left[ e^{A_2 z} - 1 \right] + \frac{D_1^* D_2 G_2}{G_1} z - \frac{12 E_T}{7 D_1 (\delta + u_*)} \left[ \frac{z^2}{2} - \frac{z^3}{12 (\delta + u_*)} - \frac{z^4}{24 (\delta + u_*)^2} \right] \quad (3)$$

$$G_2 = W_{\text{чд}} - W_{\text{оп}} - \frac{B_1}{B_2 D_2} [e^{B_2 L} - e^{B_2 z_1}] - \frac{A_1^*}{A_2^* D_1^*} [e^{A_2^* z_1} - e^{A_2^* (\delta + u_*)}] - \frac{A_1}{A_2 D_1} [e^{A_2 (\delta + u_*)} - 1] + \frac{9E_T}{14D_1} (\delta + u_*) - E_T D_1 \left[ \frac{z_1 - (\delta + u_*)}{D_1^*} - \frac{L - z_1}{D_2} \right]$$

Бунда:  $L$  – сизот сувларининг чуқурлиги, м;  $Z_1$  ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари орасидаги чегара, м;  $K_1, K_2$  – нам ўтказувчанлик коэффициентлари;  $D_1, D_{N1}, D_2, D_{N2}$  – диффузия коэффициентлари.  $W_{\text{оп}}$  – бу ўсимлик учун тупроқнинг критик намлик чегараси  $W_3$  ва тупроқнинг тўла намлик сифими  $W_{\text{во}}$  ўртасидаги оралиқ намлик миқдори;  $W_{\text{чд}}$  – тўлиқ намлик ҳажми;  $Z$  – ер юзасидан пастка йўналтирилган вертикал координата;  $N_{\text{оп}}$  – суғориш сувдаги туз миқдорининг концентрацияси  $N_w$  ва сувнинг туз билан максимал туйинган ҳолдаги концентрацияси  $N_s$  ўртасидаги оралиқ туз концентрацияси.  $(\delta + u_*)$  – илдиз қатлами чегараси, м;  $Z_1$  – ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари ўртасидаги чегара, м;  $\mu$  – ўсимлик илдизини намликни сўришининг нисбий қиймати, 1/сут;  $L$  – сизот сувларининг сатҳи, м.

Тадқиқотлар дала ўсимлик билан тўлиқ қопланган шароитида тузларни илдиз қатламининг юқори қисмига кўтарилишининг кескин камайишиқўрсатмоқда. Бунда ўсимлик илдизи орқали намликни тортиб олганлиги боис тузлар илдиз қатламининг асосан қўйида тўпланади. Шунингдек, ер сатҳидаги нисбий ҳарорат вегетация даврининг иккинчи ярмида биринчи ярмига нисбатан пастроқ бўлиши боис, суғориш давомида “шўрроқ” сувлар нисбатан чуқурроқ қатламларга сингиб кетади.

Шунингдек, ишлаб чиқилган моделлар (3) – (8) ёрдамида намлик ва туз алмашувини башорат қилишга ва илдиз қатламида критик туз миқдорини тўпланишини олдини олиш имкони беради. Шунингдек, намлик ва тузнинг алмашилиш параметрларини аниқлаш жараёнини соддалаштириш мақсадида ЭҲМ дастурига гувоҳнома олинган.

## ХУЛОСАЛАР

**“Сирдарё вилояти шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив режимини бошқариш усулини такомиллаштириш”** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тажриба далаларда субирригация суғориш усули қўлланилган шароитда сизот сувларнинг ер юзасига чуқур жойлашган даври бу октябрь-январь ойларига тўғри келди, шунингдек вегетация даврида яъни, февраль-июнь ойларида эса субирригация суғориш усули қўлланилган шароитда сизот сувларнинг сатҳи ер юзасига яқин жойлашганлиги кузатилди. Умумий ҳолатда сизот сувларининг минерализацияси, сизот сувларнинг сатҳи 1,0 м бошқарилган тажриба вариантыда, сизот сувларнинг сатҳи 2,0 м бошқарилган тажриба вариантыга нисбатан кўпроқ эканлиги кузатилди.

2. Дала тажрибалари эвапотранспирациянинг йиллик миқдори 2015-2016 йй. – 528,7 мм, 2016-2017 йй. – 501,5 мм ва 2017-2018 йй. – 521,4 мм,

атмосфера ёғинлари эса мос равишда 324,4, 340,1 ва 301 мм бўлганлиги аниқланди. Сув танқислиги шароитида сизот сувларини экинларни суғоришга жалб этишда энг мақбул усул сизот сувлар сатҳининг 1,0 метр чуқурликда ушлаб турилган ҳолатда мавсумий суғориш меъёри 1094 м<sup>3</sup>/га бўлиб, аммо бунда тузлар миқдори вегетация охирида 8,1 т/га ошади. Мелиоратив жиҳатдан мақбул сизот сувлар сатҳи 2,0 метр чуқурликда ушлаб турилган ҳолат бўлиб, бунда ўртача суғориш меъёри 2302 м<sup>3</sup>/га, ва бунда тузлар миқдори вегетация охирида 3,3 т/га ошганлиги аниқланди. Сизот сувлар сатҳи 2,0 метр чуқурликда ушлаб турилган тузларнинг киримини 4,8 т/га гача камайтириш имконини беради.

3. Сув танқислиги шароитида фермер хўжаликлари майдонларида шўр ювиш ишларни анъанавий усул (пропорционал сув тақсимоти)дан кўра келгусида ушбу далада етиштириладиган экин турига боғлиқ ҳолда бажарилди, натижада экинларнинг ўртача ҳосилдорлиги ғўзада – 2,2 ц/га, маккажўхорида-4,1 ц/га, умумий даромад эса 0,4 млн. сўм/га ошганлиги кузатилди, бу сув танқислиги шароитида сув ресурсларини тежалиши ва унинг салбий оқибатларини камайтириш имконини беради.

4. Сув танқислиги шароитида сизот сувларнинг сатҳи 1,0 м бўлган шароитда ҳар гектардан қўшимча 5737,7 минг сўм, сизот сувларнинг сатҳи 2,0 м бўлган шароитда эса ҳар гектардан қўшимча 2213,7 минг сўм даромад олиш имконини беради.

5.Тўлиқ факторли эксперимент натижалар бўйича, кузги буғдой ҳосилдорлигига сизот сувларининг сатҳи, тупроқнинг шўрланиш даражаси, суғоришлар сони ва мавсумий суғориш меъёрлари таъсирини ўрганиш натижаларига кўра:

- сизот сувларининг сатҳи 1,5 м бўлган шароитда кучли шўрланган майдонларида кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги 26,8 ц/га, ўртача шўрланган майдонларда 51,2 ц/га ва кам шўрланган майдонларда 58,5 ц/га ни, сизот сувларнинг сатҳи 2,0 м бўлганда кучли шўрланган 27,5 ц/га, ўртача шўрланган майдонларда 54,8 ц/га ва кам шўрланган майдонларда 56,4 ц/га ни ташкил этди.

- тупроқнинг шўрланиш даражаси бўйича кузги буғдой ҳосилдорлигининг ўзгариши ФАО услубияти асосида ўрганилди ва бунда кучли шўрланган майдонларида сизот сувларининг сатҳи 2,0 м бўлганда ҳосилдорлик 2-12 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 80-100 %, ўртача шўрланган майдонларда 4-16 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 57-100%, кам шўрланган майдонларида 2-12 Ds/m ёки ҳосилга нисбатан 80-100 % ни ташкил этди.

- кузги буғдой ҳосилдорлигига суғоришлар сонини таъсири бўйича кучли шўрланган майдонларида суғориш 2-3 марта амалга оширилганда ўртача ҳосилдорлик 23,0 ц/га бўлди, ўрта шўрланган майдонларида экинни суғориш 3-4 марта амалга оширилганда ўртача ҳосилдорлик 38,8 ц/га бўлди, кам шўрланган майдонларида экинни суғориш 5 мартагача амалга оширилганда ўртача ҳосилдорлик 62,0 ц/га бўлди, яъни суғоришлар сони ортиши натижасида ҳосилдорликнинг кўпайиши қонуниятига кузатилди.

- кучли шўрланган майдонларида экинни суғориш меъёри 2100 м<sup>3</sup>/га бўлганда ўртача ҳосилдорлик 28,8 ц/га ни, ўрта шўрланган майдонларида 34,5 ц/га ни, кам шўрланган майдонларида 39,7 ц/га, суғориш меъёри 2800 м<sup>3</sup>/га бўлганда кучли шўрланган майдонларида 36,3 ц/га, ўртача шўрланган майдонларда 40,6 ц/га ни, ҳамда кам шўрланган майдонларида 44,9 ц/га ни ташкил этди. Ўтказилган тажрибалар сув танқислиги шароитида кузги буғдой ҳосилдорилигини башорат қилиш имконини беради.

6. Тадқиқот даларидаги тупроқнинг намлиги, туз режими ва сизот сувлари режимини ўрганишда акад. Ф.Б. Абуталиев услубиётига мувофиқ ишлаб чиқилган формулалар асосидаяратилган ЭХМ дастури (№DGU06908) тупроқдаги намлик ва туз миқдорини ўзгаришини инобатга олиб экин экиш муддатларини мақбуллаштириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ХОЖИЕВ АЛИАКБАР АБДУМАННОПОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ  
МЕЛИОРАТИВНЫМ РЕЖИМОМ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ В  
УСЛОВИЯХ СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**06.01.02 –Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан. № В2020.2.PhD/Г1697

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещены в веб-сайте Научного совета по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:

Мурадов Рустам Анварович  
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Икрамов Рахимджан Каримович  
доктор технических наук, профессор

Авлиякулов Мирзоалим Авазович  
доктор сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Ташкентский государственный  
аграрный университет

Защита диссертации состоится "8" января 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кари-Ниязий, 39. тел: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № 132). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кари Ниязий, 39. тел.: (99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан "22" декабря 2020 года (реестр протокола рассылки № 132 "22" декабря 2020 года).



Т.З. Султонов  
председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А. Явиев  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

М.Х. Хамидов  
Председатель научного семинара  
при научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.с.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** С одновременным резким ростом населения в мире и развитием быстрыми темпами отраслей экономики, одним из важных задач является совершенствование эффективного использования водных и земельных ресурсов. Согласно данным ООН, в настоящее время пшеница возделывается на площади 217,7 млн. га, при этом субиригация применяется на 6,4-7,8% площади<sup>3</sup>. В связи с этим особое внимание уделяется на выращивание высокого и качественного урожая сельскохозяйственных культур с рациональным использованием природных ресурсов, это является актуальной задачей сегодняшнего дня. Поэтому, во многих зарубежных странах отдельное внимание уделяется на широкое применение запасных неиспользуемых вод в сельском хозяйстве, в т.ч. подземных вод, на разработку технологий и на совершенствование существующих. В этой связи, во многих странах, в т.ч. в США, Израиле, Китае, Нидерландии, разрабатываются и широко применяются новые способы использования их за счёт управления подземными водами.

Особую актуальность приобретают целевые научные исследования, направленные на совершенствования мелиоративного режима орошаемых земель в мире. В связи с этим отдельную актуальность представляет разработка новых научных подходов при использовании грунтовых вод и при совершенствовании способов управления мелиоративного режима орошаемых земель для достижения высокой урожайности сельскохозяйственных культур в условиях дефицита воды. Наряду с этим, для решения этой задачи самым рациональным способом является совершенствование способа управления мелиоративного режима орошаемых земель, а также способ направления грунтовых вод на орошение сельскохозяйственных культур в целях смягчения дефицита водных ресурсов. Важной задачей в исследованиях является совершенствование способов управления мелиоративного режима орошаемых земель и возможность направления грунтовых вод на орошение сельскохозяйственных культур на лугово-сероземных почвах Сырдарьинской области при возделывании озимой пшеницы.

В настоящее время, в Республике, в целях улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель, смягчения негативных последствий дефицита воды проводится широкое привлечение в сельское хозяйство грунтовых вод и совершенствование технологий промывок, проводятся широкомасштабные мероприятия по достижению высокой урожайности сельскохозяйственных культур. В «стратегии действий по развитию Республики Узбекистан 2017-2021 годы» отмечены задачи, в т.ч. «... дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сетей мелиоративных и ирригационных объектов, внедрение в сельскохозяйственные

---

<sup>3</sup> <http://www.fao.org/faostat/en/#data/QC/vizualize>

